

## Қарор ва ижро

### КАМБАҒАЛЛИҚДАН – ФАРОВОНЛИК САРИ

Тошкент вилояти маҳаллаларида камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жойларда масъул раҳбарларнинг ўрганишлари, "маҳалла еттилиги" фаолиятини бошлаганидан сўнг бу борадаги ишлар анча жаллашди.



Мутахассисларнинг маълумотига кўра, 2024 йилда бандлик дастури бўйича белгиланган режалар бажарилиб, ишсизлик даражаси вилоят бўйича 5,1 фоизни ташкил этган. Аммо, Бўка, Қўйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Бекобод туманларида бу кўрсаткич юқориликча қолмоқда. Айниқса, "Камбағалликдан – фаровонлик сари" давлат дастури бўйича 7 та йўналишда 39,1 минг нафар аҳолининг даромади тикланиб, камбағаллик даражаси пасайди.



## Вилоятимизда ақлли тиббиёт кластери

корейликлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда



Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Жанубий Корейнинг "Хауеан Аркитекче" компанияси вакиллари билан учрашди.

Дастлаб, компания директори Гонг Гибум томонидан тақдим қилинган Юқори Чирчиқ туманида "Ақлли тиббиёт кластери"ни ташкил этиш лойиҳаси билан яқиндан танишилди. Унда замонавий, халқаро

стандартларга мос келадиган, тиббиёт йўналишидаги туристларни қабул қиладиган йирик муассаса, шошилинч тиббий ёрдам маркази, Корейнинг нуфузли халқаро тиббиёт университети филиали, мазкур йўналишдаги

халқаро мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, бизнес ва савдо маркази, меҳмонхона, кўп қаватли уй-жой мажмуаси қурилиши муҳокама қилинди. Учрашув давомида бир қатор таклифлар кўриб чиқилди. Ўз навбатида, вилоят раҳбари ушбу лойиҳага ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъкидлади. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



### Пресс-тур

Юртимизда "Камбағалликдан – фаровонлик сари" давлат дастури ижроси, шунингдек, маҳаллаларда ҳоқим ёрдамчилари ташаббуси билан ташкил этилаётган микролойиҳалар, хонадон томорқаларидан самарали фойдаланиш, уй шароитида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида қилинаётган ишлар бугун кўпчиликнинг диққат марказида.

Юқори Чирчиқ туманида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-турда айнан шу масалаларга эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Вилоят бўйлаб



Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов вилоятимизнинг **ТОШКЕНТ** ва **ЗАНГИОТА** туманларида бўлиб, аграр секторда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишди. Хусусан, фермер ва деҳқон хўжалиқларида қарашли дала четларидан унумли фойдаланиш, ариқ ва зовурларни тозалаш, қишки тадбирларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



**ЯНГИЙЎЛ** туманининг "Кўкаламзор" маҳалласидаги қаровсиз ётган майдонда бир муддат аввал хитойлик тадбиркор томонидан ўрдақчилик йўлга қўйилган эди. Ҳозирда бу ерда ўрдақнинг турли наслари кўпайтирилиб, гўшти бозор расталарига чиқарилмоқда.



Вилоят ҳоқимининг тегишли қарорига кўра, **АНГРЕН** шаҳри ҳудудида жойлашган "Нишбош" кўмир конини кенгайтириш лойиҳасига "Грум" маҳалласидан 31,80 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозирда қанда баҳолаш кудуқларини бургулаш ва геологик намуналар олиш ишлари бажарилмоқда. Кон ишга тушгач, йилига 8-10 миллион тоннагача кўмир қазиб олиш режа қилинган.



**ОҲАНГАРОН** туманининг «Шовғоз» маҳалласи ҳудудида жойлашган ДХХ чегара қўшинларига қарашли постда 24 хонадондан иборат 4 қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди.



**БЎСТОНЛИҚ** туманининг «Қоронқул» маҳалласи ҳудудидан 50 гектар ер майдони адаптив спорт турлари билан профессионал шуғулланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун машғулот базаси барпо этиш мақсадида ажратилди.



**ПИСКЕНТ** туманида фольклоршунос олима Музаяна Алавиянинг илмий-ижодий меросини ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Унда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш ва уларни ёшларга етказиш, шунингдек, маънавиятни юксалтириш йўлида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.



Обуна-2025 *Азиз газетасин!*  
**"Тошкент ҳақиқати"** газетасига 2025 йил учун обуна давом этмоқда.

Боғланиш учун телефонлар:  
(55) 520-21-20;  
(97) 432-00-35  
Нашр индекси – 205



## Бугунги Сонда:

Картошка захираси етарли(ми?) 2



АБДУ НЕЛАРГА ҚОДИРА 3



Шеърнинг зўри – тўрт сатр 4



# КАМБАГАЛЛИКДАН – фаровонлик сари

Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 9 январдаги “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан Ўрта Чирчиқ туманида ҳам ўтган йил 31 минг 667 нафар аҳоли доимий, мавсумий ва вақтинчалик иш билан таъминланди. Жумладан, тумanning “Мустанкилик” маҳалласида яшовчи Мафтуна Деҳқонбоева “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Унга “маҳалла еттичилиги” тавсияси билан иккита тикув машина субсидия асосида берилди. У ўзи каби уйда ўтирган ишчи аёлларни жалб қилган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, катталар ва болалар учун мавсумий кийимлар тикмоқда. Айти кунларда улар ўз маҳсулотларини вилоятдаги етита маҳаллий бозорга етказиб бериб, яхши даромад кўришмоқда.

– Турмушим бўлмагач, икки нафар фарзандим менинг қарамоғимда қолди, – дейди М. Деҳқонбоева. – Тикувчиликни онамдан ўрганганман.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Маҳалладагиларнинг ёрдами билан ишимиз юришиб кетди. Ойига 9 минг донагача турли андозадаги кийимлар тайёрлаб, Маҳсулотларимиз арзон, харидорлар ҳам кўпаймоқда.

Робия Раҳимова “Ким Пен Хава” маҳалласида яшайди. 2021 йилда у IELTS халқроқ даражасидан 6,5 балл олиб, Тошкент шаҳридаги хоржик университети талабаси бўлди. Уч йилдан буён Робия хонадонда худуддаги болаларга инглиз тилидан машғулот ўтади. У топаётган дарома-

дини оиласи, ўқиши ва фаолиятини кенгайтиришга сарфламоқда. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияси билан бу ҳаракатчан қизга субсидия асосида компьютер жамламаси берилди.

– Ҳозирда нафақат шаҳарда, балки қишлоқларда ҳам ўқувчилар



мактабдан ташқари кўшимча ўқув курсларида шуғулланилади, – дейди Робия Раҳимова. – Бироқ ҳамма ҳам марказлардаги нуфузли муассасаларга қатнаб, билим ололмайдди. Шу туфайли биз маҳалламизда болаларга инглиз тили курсларини очдик. Беш

нафар ўқувчимиз В2 сертификатини қўлга киритган. Улар орасида олийгоҳ талабалари ҳам бор. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шунингдек, жорий йил якунигача худудда камбағал оилаларни босқичма-босқич қамайтириш чоралари кўрилади. Биринчи галда уларни тулиқ хатловдан ўтказиш орқали тақриф ва истаклари инобатга олинади, 5 минг 625 та хизматлар пакети шакллантирилади. Хусусан, бу тоифадаги аҳолининг 2 минг 250 нафари иш билан таъминланади, 281 нафари меҳнат бозориди талаб юқори бўлган касбларга ўқитилади, 1 минг 856 нафарига кафолатланган тиббий хизмат ҳамда 1 минг 238 нафарига эса бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

Вилоят миқёсида эса 612 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш, 25,3 мингта оиладаги 115,7 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича туман-шаҳарлар раҳбарлари маъсулликда режалар ишлаб чиқилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

## ▼ Назорат

Бирор қор-қол рўй берса, унутиш учун ичасан.

Яхши хабар эшитсанг, хурсандчилик учун ичасан.

Ҳеч нарса бўлмаса, бирор нарса содир бўлиши учун ичасан.

Бир қадагача иштаҳанг очилади, иккинчи қадагача кайфият кўтарилади.

Бир шиша ичсанг, қалбингда “байрам”. Агар “марра”ни бир литрга етказса олсанг, ҳаммаси бўлади – иштаҳа ҳам, кайфият ҳам, байрам ҳам. Бироқ ҳеч бирини эслолмайсан...

## АЛКОГОЛГА ҚАРШИ... “ҚЎЛБОЛА” КУРАШ

Биз шу пайтгача матбуот саҳифаларида, катта-кичик давраларда юқоридаги каби “хаётий” мисоллар орқали ароқчўрлик ва унинг келтирадиган оқибатлари ҳақида қоғоз қоралаб, маърузалар ўқиб келар эдик. Бу чоралар кимларгадир таъсир қилган, кимларгадир йўқ. Қарангки, эндиликда бу иллатга қарши сўзда эмас, “очиқдан-очиқ” курашадиган “тадбиркорлар” пайдо бўлибди.

Ижтимоий тармоқда Туркияда бир неча ўзбек миллиятига мансуб фуқароларнинг ароқдан захарланиб вафот этгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Кўп ўтмай бундай ҳодиса Самарқандда ҳам содир бўлди. Аввалроқ эса Андижонда...

Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Оққўрғон тумани бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда тумандаги “Д.” МЧЖ раҳбари Д.Т. харидорга 2 дона қалбаки акциз маркази алкоголь маҳсулотини сотган вақтида ушланган. Шундан кейин ушбу дўкандан 233 дона қалбаки акциз маркази алкоголь маҳсулоти ашёвий далил сифатида олинган.

Департаментнинг Янгийўл тумани бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда эса фуқаро П. М. ўзи яшаётган хонадонда яширин цех ташкил этиб, қўлбола алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келгани аниқланди. Унинг уйдан “Ўзбегим” номи қўлбола алкоголь маҳсулотлари ва 120 литр спирт ашёвий далил сифатида олинган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг 176-моддаси (қалбаки пул, акциз маркази ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш) ва 186-моддаси (хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини қўлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Энди ичкиликбозликка қарши қўлбола “кураш очганлар” қонун олдига жавоб бердилар.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

# ИЗЛАГАН ИМҚОН ТОПАДИ



Маълумотларга кўра, туман бўйича ўтган йилда 2 минг 357 та оилани камбағалликдан чиқаришга эришилган. Айниқса, “Сайхунбод” тажрибаси асосида ҳар бир маҳалладан 5 тадан жами 265 та кам даромадли хонадонларга 2 млрд. сўмлик лойиҳа пакетлари етказиб берилиши натижасида 295 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда 43,6 млрд. сўм кредит ҳисобига 1 минг 707 та микролояиха амалга оширилиб, 2 минг 458 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар қамровини янада ошириш режа қилинган. Хусусан, маҳаллаларда 2 мингта микролояихани амалга ошириш учун 50 млрд. сўм кредит йўналтириш кўтилмоқда.

Журналистларнинг илк манзили “Марказий” маҳалласида яшовчи Эржон Абдукаримов хонадони бўлди. Бу оила 4 йилдан буён “Шампиньон” навли кўзқорин етиштирди.

– Бир мавсумда тўрт мартаба ҳосил йиғиб оламиз, қолган вақтда уни парваришлаш билан шуғулланамиз. Бундан ташқари, кўчатчилик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



намиз, – дейди Э.Абдукаримов. – Очиги, деҳқончилик таваққалчилик асосига қурилади. Ишни бошлаш ва ўрганиш учун 3 минг долларга яқин маблағ сарфланди. Ҳаракатимиз ўз натижасини берди. Ҳозир бозорда кўзқориннинг нархи 40-45 минг сўм. 5 сотих майдонда кўзқорин етиштиришни урдасидан чиққан одамнинг йиллик даромади 100 млн. сўмдан ортишини ўз тажрибамиздан билдик.

Худудни айланар эканмиз, кишининг чилласида ҳам ишбилармон деҳқонларнинг ҳосили гарқ пишганини кўриб, кўзимиз қувонди. Мисол учун, “Саксонота” маҳалласида яшовчи Отабек Алжанов томорқасида 5 сотихли иссиқхонада 15 йилдан бери қўлупнайнинг харидориги навларини етиштириб келади.

– Шу кунларда қўлупнай ҳосилга кирган, ҳар 5-6 кунда териб оляимиз, – дейди О.Алжанов. – Ички бозорда ўртача 200 минг сўмдан 350 минг сўмгача сотялмиз. Бундан ташқари, кўчатчилик

билан ҳам шуғулланамиз. Қўлупнай кўчатларини бошқа деҳқонларга ҳам тарқатамиз. Йиллик даромадимиз 40-50 млн. сўмни ташкил этади.

Мазкур маҳаллада 3 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Худуднинг асосий драйвери чорваччилик ва деҳқончилик бўлиб, охириги пайтларда аҳолининг шу йўналишларда бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

– Ўтган йили 37 нафар фуқарога турли йўналишларда 390,5 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди, – дейди ҳоким ёрдамчиси Талғат Серикбаев. – Улар орасида асаларичилик, иссиқхона, ишлаб чиқариш, таълим, тикувчилик ва хизмат кўрсатиш йўналишларида фаолиятини бошлаганлар бор. Шунингдек, 5 нафар ишсиз фуқарога бепул ўқув курсларини яқунлаб, уларни банд қилишди. “Аёллар дафтари”да турадиган 6 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Ҳозирги кунда улар тикувчилик билан шуғулланиб, даромад топишмоқда.

Нигора УРОЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олаён суратлар

## ▼ “Тошкент ҳақиқати” tanishtiradi

### Yangi tayinlovlar

**Azamatov Shuhrat Saparbayevich Toshkent viloyati hokimligi moliya-iqtisodiyot va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha kotibiyati mudiri etib tayinlandi.**

Sh.Azamatov – 1985-yilda Sirdaryo viloyati Guliston shahrida tug'lgan. Ma'lumoti – oliy. 2007-yilda Toshkent davlat iqtisodiyot universitetini kunduzgi, 2009-yilda magistraturasini tamomlagan.

U mehnat faoliyati davomida “O'zagroeksport” aksiyadorlik jamiyati hamda O'zbekiston Respublikasi “Parrandasanooat” uyushmasida mas'ul lavozimlarda ishlagan.

Tayinlovga qadar, Ohangaron tumani hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha birinchi o'rinbosari – tuman iqtisodiyot va moliya bo'limi boshlig'i vazifasida faoliyat yuritib kelayotgan edi.



**Xudoyberdiyev Furqat Abdusalomovich O'zbekiston mahallalari uyushmasi Toshkent viloyati boshqarmasi boshlig'i etib tayinlandi.**

F.Xudoyberdiyev 1979-yilda Bo'ka tumanida tug'lgan. Ma'lumoti – oliy. 2000-yilda Toshkent davlat agrar universitetini, 2012-yilda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat va jamiyat qurilishi akademiyasini tamomlagan.

Tayinlovga qadar, viloyat Iqtisodiyot va moliya Bosh boshqarmasi boshlig'i lavozimida ishlab kelayotgan edi.



**Abdiyev Bekzod Baxronovich O'zsanoatqurilishbank Toshkent viloyati mintaqaviy filiali boshqaruvchisi v.b. etib tayinlandi.**

B.Abdiyev – 1982-yilda Samarqand viloyati, Narpay tumanida tug'lgan. Ma'lumoti – oliy. 2011-yilda Toshkent davlat iqtisodiyot universitetini tamomlagan.

U mehnat faoliyati davomida ko'p yillar Xalq banki Toshkent viloyati filiallarida mas'ul lavozimlarda ishlagan.

Tayinlovga qadar, “O'zsanoatqurilishbank” ATB Undiruv markazi direktori o'rinbosari vazifasida faoliyat yuritib kelayotgan edi.



**Otaboyev Xojakbar Erkaboyevich Toshkent viloyati Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish boshqarmasi boshlig'i etib tayinlandi.**

X.Otaboyev – 1982-yilda Parkent tumanida tug'lgan. Ma'lumoti – oliy. 2006-yilda Samarqand qishloq xo'jalik institutining kunduzgi, 2008-yilda magistraturasini, 2011-yilda aspiranturasini tamomlagan.

2016-2023-yillar davomida Yuqori Chirchiq tumani veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi rahbari lavozimida ishlagan.

Tayinlovga qadar, O'zbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish davlat qo'mitasining Hayvonlar sog'ligini himoya qilish boshqarmasi boshlig'i vazifasida faoliyat yuritib kelayotgan edi.



**Sayidxojayev Bunyod Sayidganiyevich Toshkent viloyati hokimligi Master-rejalarni ishlab chiqish va amalga oshirish bo'yicha Loyiha ofisi rahbari etib tayinlandi.**

B.Sayidxojayev – 1987-yilda Piskent tumanida tug'lgan. Ma'lumoti – oliy. 2013-yilda Toshkent arxitektura qurilish instituti, 2020-yilda Toshkent davlat agrar universitetini tamomlagan.

Mehnat faoliyati davomida Toshkent viloyati qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari – viloyat bosh arxitektori vazifasida ishlagan.

Tayinlovga qadar, Toshkent viloyati hokimligi qurilish, to'siqlarisiz muhit yaratish, kommunikatsiyalar, kommunal xo'jalik, ekologiya va ko'kalanzorlashtirish masalalari bo'yicha kotibiyati bosh mutaxassisi sifatida faoliyat yuritib kelayotgan edi.



Manba: <https://t.me/toshvilpressa>

## ▼ Дарвоқе

Хабарингиз бўлса керак, сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Қозоғистон Ўзбекистонга картошка экспортини 6 ойга тўхтатгани сабабли бозорларда маҳсулот нархи кескин ошиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Қозоғистон ҳукумати хабарида жумладан: “Қўшни давлатлар, хусусан, Ўзбекистон томонидан талаб ва экспорт нархлари юқорилиги сабабли жорий йилда картошка экспорти 1,5 баробар ошиб, 411 минг тоннадан 605 минг тоннага етган. Бу эса ички бозорга ҳам таъсир кўрсатди. Охириги ҳафтада экспортга йўналтирилган ишлаб чиқарувчиларда нархларнинг кескин ўсиши кузатилди”, дейилади.

Қиш фаслининг қоқ ўртасида тарқалган бу хабар қозонига ҳар куни картошка тушадиган аҳоли орасида бироз хавотир уйғотгани

## Картошка захираси етарли(ми?)

рост. Сабаби, сўнгги кунларда бозорларда картошканинг нархи анча кўтарилди.

Хўш, вилоятимизда 2024-2025 йил қиш мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси етарлича жамғарилгани?

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 716-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2024 йил 5 ноябрда 2024-2025 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа ташиқлотларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича тегишли қарори тасдиқланган. Қарорга кўра, 2024-2025 йиллар қиш-баҳор ойлари учун жами 34,2 минг тонна: шундан 19,2 минг тонна картошка, 4 минг тон-

на пиёз, 7,5 минг тонна сабзи, 3,5 минг тонна гуруч маҳсулотларини захирага жамғариш белгиланган.

Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги худудий тайёрлов корхоналари томонидан жамғарилган картошка 18,8 минг тоннани ташкил этади.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокимлиги томонидан “Озиқ-овқат хавфсизлиги” захира маблағлари ҳисобидан ўтган ва жорий йил қиш-баҳор ойлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасига маҳаллий бюджетдан 14,3 млрд. сўм маблағ ажратилган.

– Бозорларда қиш мавсумида у ёки бу маҳсулотлар узилиши бўлмағлиги учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат захирасини яратиш, нарх-навоининг барқарорлигини таъминлаш, арзонлаштирилган савдо ярмаркаларини ташкил этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилган, – дейди

“Товшилбозорсавдо” уюшмаси бош мутахассиси Сардор Холиқов. – Ўтган йили қиш мавсумига 1 минг 806 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси тайёрланган. Шу жумладан, 694 тонна картошка жамғарилган ва пешма-пеш бозорларга чиқарилмоқда. Айни пайтда Food city бозорида картошканинг нархи ўртача 7,5-8 минг сўм атрофида бўлиб турибди. Шу сабабли, Қозоғистон томони картошка экспортини тўхтатганидан хавотирга тушмаслик керак. Нархларни янада барқарорлаштириш мақсадида Покистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистон давлатларидан захирага картошка келтирилган. Шунингдек, Хитойдан ҳам картошка келиши кўтилмоқда. Бу, картошка захираси май ойигача аҳоли эҳтиёжини таъминлашга етади, дегани. Демак, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Нигора УРОЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

**Бугуннинг гапи**

**2004 йил 29 февраль. Футбол бўйича Олий лигада зўр-базўр жон сақлаб қолган Бекободнинг “Металлург” жамоаси янги мавсумга тайёргарликни давом эттирарди. Бироқ негадир бу галги машгулотларда клубнинг мудо-фаа чизғи вакили Ҳикмат Ҳошимов қатнашмаётган эди. Мураббийлар штаби ҳимоячининг эҳдо оғоҳлантиришсиз бундай йўл тутганидан ғазаб отиға минган, ҳаттоки у билан шартнома ни бекор қилишни ўйлашарди. Шу орада футболчи машгулот жараёнларига келиб қўшилди. Маълум бўлишича, у шу кунгунга ўғил фарзандли бўлган экан.**

Уша гўдак бугун Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоясини ушлаб турган, жаҳон футболнинг энг иқтидорли ёшлари қаторида эътироф этилаётган Абдуқодир Хусановдир. Кимсан Англиянинг “Манчестер Сити” клуби оромини ўғирлаган, инглизлар мураббийи Пеп Гвардиололанинг шахсан ўзи унга кўнғироқ қилиб, жамоасига қорлаган 20 ёшли ўғлоннинг босяб ўтган йўлини энди-энди етишиб чиқаётган футболчилар учун ўрнак қилса арзийди. Ҳар қалай, у ҳозирги даражага етуниға қадар озмунча қийинчиликни бошидан кечиргани йўқ...

**“Бунёдкор” рад этган иқтидор**

Болалигидан футболга қизиққан Абдуқодир 7 ёшида Тошкентнинг “Бунёдкор” жамоаси академиясига қабул қилинади. Ушанда отаси Ҳикмат Ҳошимов фарзандининг ўз кучи билан футболга киришини хоҳлаб: “Мени кўриб қолишса уни бошқа тарбияланувчилар қаторида кўрмаслиги мумкин. Академиядагилар бу менинг ўғлим эканлигини билмаслиги керак”, деб Абдуқодирни машгулотларга ҳам олиб бормас эди. Отасининг ўрнига бу ишни амакиси бажарарди.

Отасининг ўғитларига қулоқ тутган ёш футболчи машгулотларга зўр берар, ўз позициясида етакчи бўлишга уринарди.

2020 йилда “Бунёдкор” клуби ҳимоя чизғи вакиллари бирин-кетин жароҳат олиб сафдан чиқиди. Шунда мураббийлар ушбу бўшлиқни академия тарбияланувчилари орқали тўлдирини мақсад қилиб, бир нечта ҳимоячиларни ўринбосарлар таркибига жалб қилишди. Улар орасида 16 ёшли Абдуқодир Хусанов ҳам бор эди. Бироқ, синов жараёнларида мураббийлар Абдуқодирга: “Сен ҳали бизнинг даражамиздаги футболчи эмассан”, дея уни ёшлар жамоасига қайтариб юборишди. Бу ёш иқтидорга жуда оғир таъсир қилади. Шунда ҳам у раҳбарият имконият беришини кутиб, яна машгулотларга зўр беради. Бироқ амалда бундай бўлмайди. Охир-оқибат, у мураббийларнинг қарори хатолигини исботлаш мақсадида академияни тарк этиб, Беларуссия чемпионати вакили “Энергетик-БГУ” сафига бориб қўшилди. У ерда ўзининг нималарга қодирлигини майдонда исботлаб, дастлаб Францияга, кейин Англияга йўл олди.

Дарвоқе, даражасининг паст эканлигини айтиб, асосий таркибга жалб қилмаган “Бунёдкор” клуби шу футболчининг “Манчестер Сити”га трансфери ортидан 2 миллион евродан ортик даромадга эга бўлди. Гап шундаки, трансфер ҳужжатларида уни тарбиялаган академия ҳисобига тўланаётган сумманинг маълум фоизини ўтказиб берилиши ҳақидаги банд мавжуд. “Бунёдкор” мазкур маблағ ҳисобидан олдидаги қарзларидан буткул қутулди. Шу воқеадан кейин клуб ўз хатоларини тушуниб, бундай ҳол бошқа тақрорланмаслиги учун тизимдагиларни янгилади. Хусусан, ёшлар жамоасига Абдуқодир Хусановнинг отаси Ҳикмат Ҳошимов бош мураббий этиб тайинланди.

**Юз долларлик маошдан 50 миллионлик трансфергача**

Абдуқодирнинг Беларуссия чемпионатидаги саёҳати осон кечди, деб бўлмайди. У ўзининг маҳоратини исботлаш учун кўп нарсадан воз кечган. Иқтидорли ҳимоячи профессионал шартнома тузиш учун етарли ёшга тўлмгани боис бир йил ўрин-

босарлар таркибига ҳеч қандай маошсиз тўп тепишга ҳам рози бўлди. Ушанда бу футболчиға деярли ҳеч бир ўзбек мухлис мутахассислари эътибор қаратмаганди. Ва ниҳоят, 2022 йилга келиб Хусанов фаолиятида илк профессионал шартнома ни имзолади. Ушанда унинг ойлик маоши бор-йўғи 100 доллар этиб белгиланганди (2022 йилда долларнинг ўзбек сўмига нисбатан қиймати 10 900 сўмдан ошди). Бу дегани футболчи бир ой учун деярли 1,1 миллион сўм маош оларди).

Ушанда кўчада оддий қоғоз териб сотувчилар ҳам мендан кўпроқ пул топишарди, – дея эслади Абдуқодир Хусанов. – Клубдаги вазифамиз эса фақат тўп тепиш билан чекланиб қолмасди. Доим хоналарни ўзимиз йиғиштирдик. Ҳатто кишда машгулотлардан олдин майдонни қордан тозалардик. Лекин, футболга бўлган иштиқом сабаб, бу қийинчиликлар кўзга кўринмасди.



**АБДУҚОДИР НЕЛАРГА ҚОДИР?**

Абдуқодир учун пул эмас, спорт муҳимлиги ана шу қарорда мужассам эди. У Беларуссиядаги бир ярим йиллик фаолиятида ўз устида тимисиз ишлаб борди. Натижалари ҳам шунга яраша бўлди. 18-19 ёшлар атрофидаги ҳимоячи бир ярим мавсумда 35 та ўйинда майдонга тушиб, мудо-фаадаги вазифасидан ташқари 4 бор рақиб дарвозасини ҳам ишғол қилди. Аслида, вакилимизнинг бу ердаги саргузашлари кўпроқ давом этиши мумкин эди. Бироқ, мамлакат футбол федерацияси томонидан “Энергетик-БГУ” тотализатор ўйинларида иштирок этганликда айбланиб, кўйи лигага тушириб юборилди. Натижада, жамоа моддий қийинчиликларга дуч кела бошлади. Бундан чиқиб кетишининг

Францияда дастлаб унинг кучига ишонишмай, асосан, ўринбосар сифатида қарашди. Аслида, кучли чемпионатлар вакиллари Осиедан фақат корейс ва япон футболчиларининг салоҳиятини юқори баҳолаб, қолган мамлакатлар футболчини ривожланмаган деб ҳисоблашади. Абдуқодир сабр қилиб, ўз имкониятини кутди. Бу орада “Ланс” ҳимоясини жароҳат олиб сафдан чиқди. Мураббий ноилж 19 ёшли ўзбек ҳимоячисини майдонга туширишга қарор қилди. “Қафасдан чиққан йўлбарс” мисоли майдонга тушган вакилимиз эса рақибларини шунчаки ер тишлади. Унинг шиддатли ҳаракатлари мураббийларга жуда маъқул бўлди. Бора-бора



ягона йўли футболчиларни сотиш эди. Ана шу вазиятдан Франциянинг “Ланс” клуби унумли фойдаланди. Клуб скаутлари ҳали Европада танилмаган, аммо салоҳияти юқори иқтидор соҳиби учун 100 минг евродан воз кечди. Текинга келган, арзиммаган маош олиб юрган футболчининг сотувидан шунча маблағ ишлаб олиш таклифи белорусларга ҳам маъқул келди.

Шу тариқа, Абдуқодир Хусанов Беларуссия чемпионатидан “Кучли бешлик” чемпионатиға ўтган илк футболчи сифатида тарихда ном қолдирди. Ҳамюртимизнинг француз клубидаги йиллик маоши 100 минг евро (олдинги клубидан деярли 100 баробар кўп) этиб белгиланди.

рақиблар у билан тўқнаш келишга чўчиди-диган бўлиб қолишди. Шу тариқа, Абдуқодир клуб мухлислари қалбидан ҳамда қатор гранд клублар скаутларининг рўйхатидан жой олди.

Кўрсатаётган ўйинлари ортидан унинг трансфер нархи ҳам ошиб борди. 100 минг евроға харид қилинган футболчининг нархи бир йилда 12 миллион евроға кўтарилди. Футбол мутахассислари унинг ўйинларини таҳлил қилар экан, Абдуқодирнинг услубини Серхио Рамосга қиёслаб, агар у Бразилия, Испания ёки Англия футболчиси бўлганида нархи 60 миллион евродан кам бўлмаслигини таъкидлашарди.

Бир пайтлар “Бунёдкор”га керак бўлмаган футболчининг донги секин-аста Ев-

ропа бўйлаб ёйилиб, “совчи”лари кўпая бошлади. Франциянинг энг кучли клуби “ПСЖ” биринчилардан бўлиб ҳамюртимизга оғиз солган бўлса, ортидан Англиянинг “Манчестер Сити”, “Челси”, “Тоттенҳем”, “Ньюкасл Юнайтед”, “Вулверхемптон”, Испаниянинг “Реал Мадрид”, “Атлетико Мадрид” ҳамда Германиянинг “Боруссия Дортмунд”, “Байер Лeverкузен”, “Лейпциг” каби жамоалари футболчимиз учун курашга қўшилди. “Ланс” эса бундай вазиятдан унумли фойдаланиб, нархни анчагина оширди. Яқунда курашда моддий томонлама қудратли бўлган “Манчестер Сити” клуби голиб бўлди. Улар ёш иқтидоримиз учун 40 миллион евро ҳамда кейинчалик бонус сифатида қўшимча 10 миллион евро, жами 50 миллиондан воз кечишди. Натижада, Абдуқодир Англия чемпионатида энг қиммат нархга харид қилинган осиелик футболчиға айланди.

Бугун хориз нашрлари у ҳақида тинмай бонг ўрмоқда. Ҳаттоки, Испаниянинг дунёға машҳур “Марса” нашри футболчимиз ҳақида мақола тайёрлади. Инглиз ОАВлари эса “Манчестер Сити”нинг кейинги ўйинлар учун тахминий таркибини тузишар экан, вакилимизни асосий таркиб ўйинчиси сифатида танлашди. Шунларнинг ўзи ҳимоячимизға бўлган ишончининг қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Футболчимиз янги клуби сафида 45-рақамни танлади. Илгари ушбу рақамда Майка Ричардс ҳамда Марио Баотелли каби футболчилар ҳаракат қилган.

**Абдуқодир Осиенинг 43 терма жамоасидан қиммат**

Абдуқодир учун тўланадиган маблағга эътибор қаратар эканмиз, қизиқ бир статистикаға гувоҳ бўламиз: Англия чемпионларининг ўзбек футболчиси учун тўлайдиган бадал пули (10 миллион евро бонусини ҳисобламаганда) Осиенинг деярли барча мамлакатлари терма жамоаларининг умумий қийматидан қиммат бўлмоқда.

Осие футбол конфедерацияси аъзолари орасида таркибининг умумий нархи 40 миллион евродан юқори бўлган фақатгина тўртта терма жамоа бор. Transfermarkt порталида қайд этилишича, қитъамизнинг энг қимматбахо терма жамоаси Япония саналади. Кунчиқар юрт шарафини ҳимоя қилаётган чарм тўп усталаридан иборат жамоанинг умумий қиймати 280,5 миллион евро ни ташкил қилади.

Иккинчи ўриндан жой олган Жанубий Корея терма жамоаси 158,15 миллион евроға баҳоланган. 2024 йил якуниға кўра, бу борада кучли учликка кирган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг таркиби айни пайтда 47 миллион евроға тенг.

Биздан кейинги – тўртинчи қатордан ўрин олган Эрон миллий терма жамоаси аъзолари эса 46,65 миллион евро “туради”.

Осие футбол конфедерациясига аъзо яна 43 та мамлакат терма жамоалари таркибининг қиймати “Манчестер Сити”нинг Абдуқодир Хусанов учун тўлайдиган пулиға тенглаша олмайд.

Улар қаторида жаҳон чемпионатларида иштирок этиш бахтиға мушарраф бўлган Австралия (39 миллион евро), Бирлашган Араб Амириклари (35 миллион евро), Қатар (18,98 миллион евро), Саудия Арабистони (18,85 миллион евро), Хитой (13,5 миллион евро) каби терма жамоалар бор.

Таъкидлаш жоиз, жаҳон футбол тарихида бадавлат клублар шу пайтга қадар Осие мамлакатларидан фақат Япония ва Жанубий Корея футболчилари учун катта сумма тўлаган ҳолос. Бу борада Ўзбекистон учинчи мамлакатға айланди.

**“Мен жуда хурсанд бўлдим!” – Шавкат Мирзиёев**

20 ёшли чарм тўп устамизнинг жаҳоннинг энг кучли клубларидан бириға ўтгани давлатимиз раҳбарининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирикларига қилган расмий ташрифи чоғида “Манчестер Сити” клуби эгалари саналмиш Абу Даби валиахд шахзодаси Шайх Холид ибн Муҳаммад Ол Наҳаён билан учрашди.

Улар суҳбат давомида футболчимизнинг инглиз клубига ўтиши ҳақида ҳам тўхталишди. Хусусан, ушбу мавзуда гап бошлаган Абу Даби шахзодаси Абдуқодирни “Жуда тез, кучли йигит, кўрқмас”, деб атади. Шунингдек, у “Учқур ўғлон, профессионал футболчини улғайтирган” ўзбек халқига ҳурматини билдирди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари ўзбек ўғлонига билдирилган ишончдан жуда ҳам мамнун эканлигини таъкидлади.

**Сўнги сўз ўрнида**

Абдуқодир Хусанов бугун юртимиздан етишиб чиқаётган иқтидорли спортчиларға бир мисол ҳолос. Унинг жаҳонда энг кучли ва томошабоп лигаға ўтгани эса ўзбек футболнинг чинакам ютуғи саналади. Сабаби, вакилимиз у ерда ўзининг нималарға қодирлигини кўрсатиш орқали хориз скаутларининг ёш ўзбек чарм тўп усталарига бўлган қизиқишини ошириши турган гап. Зеро, Абдуқодир каби иқтидорли ёшларимиз футбол академияларидан талайгина. Фақатгина, уларға тўри йўл кўрсата оладиган мутахассис бўлса кифоя. Афсуски, юртимизда иқтидорларни кўра билладиган бундай кадрлар саноклигина. Шу сабаб ҳам ўзбек футболчи бир нечта “Олтин авлод”ни бой берди. Энди ўтмишдан ҳулоса чиқариш вақти келди.

**Сухробжон САДИРОВ,** “Тошкент ҳақиқати” шарҳловчиси

**Атрофимиздаги олам**



**Чумчуқлар берган сабоқ**

Чумчуқлар кўчманчи қушлар эмас. Улар жуда кичкина бўлишиға қарамай, совуқдан қўрқмайдилар. Энг қаҳратон совуқ кунларда ҳам чумчуқлар қор билан қопланган дарахтларда гўёки Аёзобоннинг ёрдამчаларига ўхшаб ўтиришади.

Чумчуқлар ўз полапонларини фақат ҳашаротлар билан боқадилар. Уларнинг ўзлари ҳам ҳашаротларни истеъмол қилишни ёқтирадилар. Айнан баҳорда чумчуқларнинг фойдаси кўпроқ сезилади – бир жуфт чумчуқ оиласи бир ойда боғу-роғларға зараркунандалик қилаётган ҳашаротлардан 3 килограммгача ейиши мумкин!

Чумчуқлар кўлмақларда ўзларини

чайқаганларида, бу об-ҳаво ўзгаришининг белгиси ҳисобланади. Қуёш ёруғлигида анча қизиқ қолган кўлмақларда сузувчи чумчуқлар нафақат бир-бирлари билан ҳазиллашадилар, балки улар ҳаво ўзгаришини ҳам ҳис қиладилар. Агар чумчуқлар сувда чайқалсалар – куёшли кун бўлади, лекин қурғоқчиликни ҳис қилишса, сувда эмас, қум ёки чангда чайқалишади.

Хитойда чумчуқларнинг йўқ бўлиб кетиши катта фожиаға олиб келган. XX асрнинг ўртасида Хитойда ҳосилни асраш учун чумчуқлар тўлиқ йўқ қилиб юборилган. Бу “Катта Хитой очлиғи”ға олиб кел-

ган: чунки чумчуқлар йўқ бўлганидан кейин турли ҳашаротлар – куртлар ва ҳатто шилликуртлар жуда кўпайиб кетган. Улар барча донларни йўқ қилиб юборишган. Натижада 1959-1961 йилларда 16 дан 45 миллионгача одам очликдан ҳалок бўлган. Бу инсоният тарихидаги энг йирик очарчилик бўлган.

Шундан сўнг хитойликлар яна қўшни мамлакатлардан чумчуқлар сотиб олиб, уларни қайта кўпайтиришган. Бугунги кунда Хитойда чумчуқларға жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди**

**Эълон**

Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали “МДУ” (СТИР: 207285656) спорт клуби Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси Ихроия қўмитаси қарорига мувофиқ фаолиятини ихтиёрий тугатганини маълум қилади. Шунингдек, мазкур спорт клубига тегишли Нисом ва Гувоҳноманинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Маълумот учун тел: (+998 97) 412-00-35.

Вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази жамоаси Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази консултантлари, профессор Абдувоҳид Содиқовға акаси **АБДУЖАЛИЛ ҲОҶИ ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Шеърнинг зўри – тўрт сатр

### Она қадри

Онанинг дийдори офтобга тенглигин  
Олисада юрганда биласан, бола.  
Онанинг қилмишин, меҳрини нелигин  
Онанинг кўранда биласан, бола!

### Сир бой берма

Ановларга сен сир бой берма,  
Урди, дегин, пойга қордим, де.  
Мени ташлаб кетди у, дема,  
Жонга теғди, ҳайдаворм, де.

### Тажриба

Ҳаёт ўзи тенгсиз доно муаллим,  
Тажриба инсоннинг мулки бўлади.  
Арслон қариганда мушқудай ҳалим,  
Бўри қариганда тулки бўлади.

### Маслаҳатим

Худойимга солиб кетавер,  
Манзилинга тезроқ етасан.  
Кўрмаганга олиб кетавер,  
Кўрмагандай бўлиб кетасан.

### Эркин Воҳид сабоқлари

Бир киши берди савол Дўрмонда юраан чоғлар:  
“Не учун булбул кўринмас, майна кўп, ўртоқлар?”  
Эркин устоз кулги бирла унга айтиди: “Эй жўра,  
Сен бунинга боисини, бор, майнавозлардан сўра!”

### Устозлар гапи

Устозлар гапини сақлагин ёдда:  
Ҳикматсиз умрнинг қадри бир тийин.  
Дада бўлиб қолиш осон ҳаётда,  
Лекин ота бўлиш жудаям қийин.

### Сен келгунча

Сен келгунча юрагимни ютиб тураман,  
Кўзим юмиб кўзёшимни тутиб тураман.  
Алдаб-сулдаб чалғитаман ўзимни ўзим,  
Сен келгунча яшамайман, кутиб тураман.

### Соҳибжонни соғиниб

Ажал деди:  
– Кўп куйинма, бас,  
Битта дўст деб мунча дод солдинг?!  
Фарёд урдим:  
– Сен битта эмас,  
Биттагина дўстимни олдинг!



Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири

### Турмуш

– Немай? – деса:  
– Йўқол! – дейди.  
– Кетай, – деса:  
– Йўқ, қол... – дейди.

### Баъзи дўстларга

Сизга қараб туриб, дўстларим,  
Юрагим орқага тортяпти.  
Сизни яхши билганим сари  
Кучуғимга меҳрим ортяпти.

### У дунё

У дунё ҳам чакки бўлмаса керак,  
Ҳеч ким таърифини айтиб келмади:  
Қанча инжиқ хотин, қанча кўрс эркак  
Тўғри келмади, деб қайтиб келмади.

### Жиноятчи

Лабларин четида ҳароми қулпу,  
Қалбида кўпирар ёввойи туйғу.  
Кундалик юмуши – одам савдоси,  
Қанча дўстларини сотиб бўлган у.

### Кўриниш

Амалдан бўшаган одам беғумон,  
Кўринмай ҳар кўзга ҳар хил ҳамиша.  
Ўйнашин кўзига – бўшаган ҳамён,  
Улфатин кўзига – бўшаган шиша...



Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

“Toshkent haqiqati” va “Tashkent skaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV  
Ummat MIRZAUQULOV  
Hotamjon SAYDAHMEDOV  
G’afurjon MUHAMEDOV  
Sayyora FAYZIYEVA  
Tohir ARIPOV  
Mahmud TOIR  
Uskenboy ATEMOV  
Abdulla XURSANOV  
Kumush EGAMBERDIYEVA  
Behzod QOBULOV  
Olimjon BEGALIYEV  
Zarifera ERALIYEVA  
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
Subhrojon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.  
Bosishga topshirildi – 19.30.  
Nashr ko’rsatkichi – 205.  
Buyurtma G-135.  
3 011 nusxada chop etildi.  
Hajmi - 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.  
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko’chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.


Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
Korxonasi manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.  
Ashurali JURAEV

### Дарвоқе

## ҚОШ ҚЎЯМАН, ДЕБ...



Автобусларга, ўзи умуман жамоат транспортлари электрон тўлов тизими йўлга қўйилгани яхши бўлди. Лекин пойтахтга иш билан чекка худуддан келаётганлар нима қилади?

Яратилган қулайлик фақат пойтахт аҳолиси учунгина бўлиб қолмаяптимики?

Бугун: “Картангиз бўлмаса автобуска чиқман”, деяётганлар ҳақида эшитиб қолдим. Улар: “Қардан билет сотиб оламан”, дейишса, “Мен билмайман”, деб тушириб юборишаётган экан.

Нима учун нақд пулдан фойдаланиш имконияти қийинлаштирилмоқда? Олдин нақд пулда бўлса ҳам тўлов қилиш муаммо эмасди-ку?

Шундай экан, ҳар бир бекатга қайтадан касса шахобчаларини ўрнатиб қўйиш керамикан?! Ёки шунга ўхшаш ҳолатлар учун онлайн тўлов тизимидан фойдаланиш бўйича аҳоли ўртасида тушуништириш ишларини кенгроқ олиб бориш керакдир? Телефонда шундай қулай дастурларни яратса бўлади-ку. Яна бир томони борки, ҳаммининг ҳам, айниқса, чекка худудлардан келаётган ва ёши катталар қўлидаги телефон замонавий эмас...

Пойтахт транспортидаги ўзгаришларнинг шу томонларини бир ўйлаб кўриш керак.

Севара УРИНБОЕВА

Доктор Ишон Ҳусайний сафарга отланди. У тиббиёт соҳасида кўрсатган хизматлари учун халқаро анжуманга таклиф этилган эди.

Самолёт осмонга кўтарилди-ю, об-ҳаво айланиши боис йўналишини ўзгартириб, бошқа шаҳарга қўнишга мажбур бўлди. Кейинги рейс ўн олти соатдан сўнг экан. Бундан хабар товланган доктор қаттиқ асабийлашди: “Шунча вақт кута олмайман, кечга қоламан, ахир!” Аэропорт ходимлари ижарага автомашина олиб, манзилга тезроқ етиб бориши мумкинлигини айтишди.

Жаноб Ҳусайний шоша-пиша йўлга чиқди, аммо аксига олиб, тез орада жала қуя бошлади. Атрофда на бир зот, на бошқа уллов кўринади. Бундай ҳавода машина бошқариш-

### Моҳият

Сенга ҳаммадан кўра кўпроқ ғамхўрлик қилаётган одамга ҳеч қачон эътиборсизлик қилма. Ажойиб кунларнинг бирида уйқудан кўзингни очиб, юлдуз санаб ойни йўқотганингни тушуниб етишинг мумкин.

Антуан де СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ

Табиатан хушомадга, хушомадгўйликка жуда-жуда ўчмиз. Гуё хушомад қилмаган кунимиз кун эмас. Лекин хушомадгўйликни баъзан эпполмаймиз, қовун тушириб қўямиз. Баъзан шундай болаймизки, микрофон билан минбар уялади, лекин биз уялмаймиз.

Талантли хушомадгўйларга гап йўқ. Бир сайрашда лол қолдиради, забт этади, нишонга аниқ олади. Айрим хушомадгўйлар ижодининг “умр”и қисқа. Уларнинг бутун маҳоратларини ишга солиб қилган хушомадлари бир кунга, ё бир ҳафтага етади. Каминга бу гапларни тажрибамдан келиб чиқиб айтаямман.

Бизни кўпчилик лаганбардор, деб ҳам атайдилар. Лекин бу сўз каминга ёқмайди. Лаганбардор сўзида андак дағаллик ёки ҳақорат бордек

### Ҳайрат

нинг ўзи бўлмади. Доктор йўл юзидики чоғроқ бир уй ёнида тўхтаб, эшикни тақиллатган эди, кулфланмаган экан. Ёмғирда ивиб кетган мусофир мезбондан ижозат ҳам сўрамай, ўзини ичкарига урди. Унга кекса аёл

## Дуоингиз ижобат бўлди

пешвоз чиқди. Доктор онахонга узрини айтиб, ҳовлиққан кўйи вазиятни тушунтирди:

– Зудлик билан кўнғирок қилишим керак, телефонингизни бериб турсангиз.

Аёл қўтилмаган меҳмоннинг аҳволини кўриб, унга ачинди: – Болам, ичкарига кириб, бир пиёла иссиқ чой ичиб, уст-бошингизни қуритиб олинг. Иш қочмас...

Доктор бу гапларга аҳамият бермай, илтимосини тақоррлади:

– Телефонингиз борми, кўнғирок қилиб олсам бўладими?

– Телефонимиз йўқ-да, болам, – хижолатомуз жавоб берди аёл.

Чорасиз қолган меҳмон онахоннинг таклифини қабул қилди, ичкарига кириб исинди, эгини қуритди, бир



онасидан айрилган. Шаҳарчамиз шифокорлари касалига чора топа олишмади. Уларнинг айтишича, пойтахт томонларда Ишон Ҳусайний деган доктор бор экан, неварамни фақат шу одам даволай

лармиш. Аммо мен уни қандай қилиб топаман? Ўзим у ёқларга боролмасам, бировни жўнатиб, чақиртирай десам, қўлим калталик қилади... – онахоннинг овози титраб кетди. – Фақат кечая кундуз Парвардигорга илтижо қилиб, жигарбандимнинг дардига даво то-

падиган ўша банданга рўпара қил, деб сўрайман.

Хоксор бу аёлнинг гапларини тингларкан, жаноб Ҳусайнийнинг бўғизига бир нима тикилди, кўзлари ёшланди ва шундай деди:

– Холажон, Аллоҳ дуоларингизни қабул қилибди. Сизнинг илтижоларингиз осмонда чақмоқ чақтириб, самолётни ерга қўндирди, жалалар қўйдирди ва ниҳоят, мени эшигингизга келтирди. Сиз излаётган доктор Ҳусайний мен бўламан. Яратган бандаларининг чин ихлос билан қилган дуоларини ижобат этишига, истакларини рўёбга чиқаришига яна бир бор имон келтирдим. Гўдакка шиғони Аллоҳ беради, мен бир сабабчман, холос.

Доктор Ишон ҲУСАЙНИЙ кундаликлари асосида тайёрланди

### Ҳажвчи бисотидан

туюлади. Хушомадгўй сўзида лирика бор. Пахтага ўхшаб юмшоқ, нафис.

Дарвоқе, ашаддий ва уста хушомадгўйларни “пахтакор” деб ҳам аташади. Лекин кимга, қанча пахта қўйганини ҳисоблашининг иложи йўқ. Пахта ўлгур енгил-да!

Энди азизлар! Сизларга бир сирни очай: хушомаднинг ҳам ўлчови бор. Би-

раф. Бу йўлга бир кирдингми, ундан қайтма. Бахтинга хушомад дарёсида катта балиқ илинса, бир умр шу балиқни мактаб, ялаб кун кўрасан. Ивилдириққа ёғ суртиб ейсан.

Бундай улкан ютуқларга эришиш учун ўзингдан олдин ўтган машҳур хушомадгўйлар ижодини, лаганбардорлар, таниқли маддоҳларнинг мероси, машаққатли ва қизгин фаолиятини, усул ва ижро йўлларини пухта ўрганиш шарт.

рибди. Чунки бошлиқ, ғариблиқ нималигини аллақачон унутган. Яхшиси: “Сиз бизнинг ҳар кунни порлаб турган кўшимизсиз”, дег. Шунда нишонга урган бўласиз, шунда бошлиқнинг етмиш икки томири бўшашиб кетади. Узи тарих унинг аталасидай сузилиб, адои-тамом бўлади.

Бизда хушомад ва маддоҳлик санъати шу қадар

## ХУШОМАДГЎЙ МОНОЛОГИ

ровлар зигирдай хушомад қилиб, тоғдай мукофот кутадилар. Бир хушомадгўйлар ижодининг “умр”и қисқа. Уларнинг бутун маҳоратларини ишга солиб қилган хушомадлари бир кунга, ё бир ҳафтага етади. Каминга бу гапларни тажрибамдан келиб чиқиб айтаямман.

Бизни кўпчилик лаганбардор, деб ҳам атайдилар. Лекин бу сўз каминга ёқмайди. Лаганбардор сўзида андак дағаллик ёки ҳақорат бордек

Масалан, тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, сиз бошлиқнинг тутилган кунини утириб сиз. Амаллаб сўз олишга ҳаракат қилинг. Сўз олиб: “Сиз Яратганнинг биз ғариблар учун ноёб туҳфасиз”, дейиш мумкин. Бу жумлада “биз ғариблар” сўзлари унчалик ёпишмай тур-

гуркираб, ўсиб, ривожланиб бораптики, асти қўяверасиз. Шу кетишда ойга етиб борамиз. Ва ойдагиларга ҳам хушомад, лаганбардорликдан сабоқ берамиз. Ҳар қандай зотни, гуруҳни, тўдани хушомадгўйлик ботқоғига ботириб ташлаймиз. Чунки биздаги истеъдод бошқаларда йўқ-да.

Ҳой биродарлар, биз шўрлик хушомадгўйларга асло осон тутманг. Ахир хушомадгўйда ҳам нафс бор, оғиз бор, ҳўкизниқайда бир қулоч тил бор, бу ёқда бола-чақа бор...

